

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА МУЛКНИ  
ХАТЛАШ ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТЛИ  
ТОМОНЛАРИ****Самандаров Кудрат Базарбаевич**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, подполковниги  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574990>

**Аннотация:** Мақолада жиноят процессуал кодекси талаблари асосида амалга ошириладиган мулкнинг зарарни қоплашда мол-мулкни хатлаш тергов ҳаракатининг назарий тушунчалари ва унинг бугунги кундаги амалиётдаги таҳлиллари, мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Хусусан, хориж тажрибаси билан қиёслаган ҳолда амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига асосан ҳукмнинг фуқаровий даъвогар ва бошқа мулкнинг ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатланиши юзасидан қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, муаммолар ва уларни ечимлари юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган.

**Калит Сўзлар:** мулкдор, омонат дафтарча, зарар, хатлаш, терговчи, суриштирувчи, мол-мулк, баённома, далиллар, ажрим, миқдор.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши ҳақидаги тамойилнинг Конституцияда мустақамлаб қўйилиши умум эътироф этилган демократик тартиб-қоидаларга риоя этиш, одил судловни лозим даражада амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга сўзсиз риоя этиш, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлашга эришиш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини англатади<sup>1</sup>. Ўз ўрнида хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳолатлар белгилаб берилди. Шу жумладан, эндиликда хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга мулкдорнинг рухсатсиз кириш учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланиши мумкин<sup>2</sup>.

Эндиликда мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкни ҳар қандай тажовуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мол-мулкни хатлаш мулк эгасига ёки мулкдорига, шунингдек бошқа шахсларга уни тасарруф этиш ва зарур ҳолларда ундан фойдаланишни, мол-мулкни олиб қўйиш ва сақлашга беришни тақиқлаш, шунингдек, хатланган мол-мулкдан фойдаланиш, тасарруф этиш ва эгалик қилиш билан боғлиқ чекловларни белгилашдан иборат. Мол-мулкни хатлашда ушбу чекловлар бевосита қонуний манфаатларга дахлдор бўлади ва жиноят процесси барча иштирокчиларининг, уларнинг жиноят ишидаги мақомидан қатъи назар, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки мол-мулкни хатланган бошқа шахснинг ҳуқуқларини бузади.

<sup>1</sup> <http://uzmarkaz.uz/uploads/2020/06/2020202020.pdf>. 135-6.

<sup>2</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/24/property-rights/>

Шу сабабли, мол-мулкни хатлашда юқоридаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмайдиган муайян шартлар ва асосларни ҳисобга олиш керак.

Фуқаролик даъвоси билан мурожаат қилган жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида бири жиноят ишини ҳал қилиш билан бир вақтда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан иборат бўлиб, олиб қўйилиши лозим бўлган мол-мулкни топиш ва уни олиб қўйиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар бўйича дастлабки тергов органларининг мансабдор шахслари барча жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари шарт.

Ушбу муаммонинг долзарблиги, шунингдек Ички ишлар вазирлигининг статистик маълумотларига кўра, 2020 йил январидан 2021 йил декабригача бўлган даврда 216 089 988 млн сўмдан ошиқ маблағ жиноят натижасида етказилган зарар билан боғлиқ ҳолатларда хатланган. Белгиланган муддатда мулкий зарарнинг қопланишини таъминлаш мақсадида мулк, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар олиб қўйилган <sup>3</sup>.

Бундан ташқари, Олий суд Пленум қарорларида мулкни хатлаш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишда ноаниқ ёндашувларга сабаб бўлган. Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлатнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, суриштирув, дастлабки тергов органларининг эътибори шунга қаратилсинки, жиноят натижасида етказилган мулкий зиён қопланишини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий механизми гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни ЖПК [290-моддасига](#) мувофиқ тезкорлик билан хатланиши<sup>4</sup> кўрсатиб ўтилган. Бироқ Жиноят-процессуал қонунчилигида тўлиқ кўрсатилмаган тартиблар Олий суд пленум қарорида ҳам очиқланмаган. Масалан мол-мулкни хатлашдаги объектлар туркуми, кимлардан ёки қайси ташкилот муассасалардан маълумот олиш бўйича имконият ёки ҳамкорлик мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилмаган. Чунки бу маълумотлар ҳам мол-мулкни хатлаш моҳиятини англашда катта рол ўйнайди. Жабрланувчига етказилган зарарни қоплашда ундирилиши лозим бўлган мол-мулклар қатори тўлиқ ёритилмаган. Шахсий автотранспорт воситасини мулк сифатида хатлаш тартиби ҳам очиқланмаган.

Амалда жиноий иш қўзғатилаётганда мулкни хатлаш тўғрисида ариза берилган барча ҳолларда ҳам қандай аниқ мулк олиб қўйилиши ва уни қандай аниқлаш мумкинлиги маълум бўлмаган. Шу боис, муаммонинг амалий томони ўрганилганда, «Жиноятни тергов қилишнинг дастлабки босқичида қандай мол-мулк аниқ хатланиши ва уни

<sup>3</sup>Республика ИИО Тергов бўлинмалари томонидан 2020-2021 йиллар ва 2022 йил 6 ойида **хатланган** гумон қилинувчи ва айбланувчиларга тегишли мол-мулклар тўғрисида **маълумот**.

<sup>4</sup> Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленум қарори. Тошкент ш., 2016 йил 27 декабрь, 26-сон. <https://lex.uz/docs/3115385>

қандай топиш мумкинлигини биласизми?» – саволига дастлабки тергов органларининг сўровда қатнашган ходимларидан 60,5 фоизи салбий жавоб берган. Хусусан, кўриб чиқиладиган процессуал ҳаракатнинг қидирув хусусиятини истисно қиладиган бўлсак, моддий зарарни тўлиқ қоплаш мумкин бўлмайди.

Ўз навбатида, Г.В. Аршба, С.И. Гирько ва В.В. Николук ўз ишларида эътиборни мулкни хатлаш асослари ва тартибини тартибга солишда қонун чиқарувчининг маълум даражада мулкни хатлаш ҳам қидирув характериға эға эканлиги эътиборға олишган.

Мулкни олиб қўйишда қидирув характерида фойдаланишнинг яна бир тасдиғи Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 115-моддаси 3-қисмининг мазмуни бўлиб, унда хатлаш агар у гумон қилинувчининг, айбланувчининг жиноий ҳаракатлари натижасида олинган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, айбланувчи ёки гумон қилинувчи хисобланмаган бошқа шахсларнинг мол-мулкиға нисбатан қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Қидирув ҳаракатлари комплексида фойдаланмасдан муаммони ҳал қилиш мумкин бўлмайди. Жиноят-процессуал ҳуқуқининг мустақил институти сифатида мулкни хатлашни янада чуқурроқ ўрганилар экан, мол-мулкни хатлашни тартибга солишда бир қатор ноаниқликлар мавжудлиги тўғрисида хулоса қилинади.

П.В. Вдовцева ва Ю.С. Каркошконинг таъкидлашича, «қонун чиқарувчи терговчи томонидан мол-мулкни хатлаш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тартибини етарли даражада тартибга солган ва унинг мақсадларини белгилаб берган»

<sup>5</sup>. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бошқа ривожланган давлатларда мол-мулкни хатлаш мажбурлов чораси сифатида қўлланилади, Республикамизда бу процессуал ҳаракат сифатида амалға оширилади.

Шунингдек, Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, мулкни олиб қўйиш учун алоҳида – XXXII боб, ажратилган бўлиб, у мулкни хатлаш институтини батафсил тартибга солувчи олти моддани ўз ичига олади. Ушбу бобда қонун чиқарувчи мулкни хатлашнинг моҳиятини (248-модда), уни қўллаш асослари ва тартибини (249, 251-моддалар), олиб қўйиладиган мол-мулкнинг қийматини аниқлаш тартибини (250-модда) батафсил очиб берган, шунингдек мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги баённоманинг мазмуни (252-модда), мулкни нотўғри олиб қўйиш устидан шикоят қилиш тартиби (Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 253-моддаси) ва мулкни олиб қўйишдан озод қилиш тартибини белгилайди<sup>6</sup>.

Ривожланган Европа давлатлари қонунчилигининг таҳлилиға кўра, Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 111-параграфида ҳам мулкни хатлаш процессуал мажбурлов чораси сифатида кўрсатилиб, унинг моҳияти ва

<sup>5</sup> Вдовцев П.В., Каркошко Ю.С. Наложение ареста на имущество по уголовным делам в свете позиций Конституционного Суда Российской Федерации // Расследование преступлений: проблемы и пути их решения. - 2015. - № 1 (7). - С. 69-70.

<sup>6</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики: утв. Законом Азербайджанской Республики 14.07.2000 № 907-1Г. Баку, 2001.

процессуал хусусияти батафсил ёритилган<sup>7</sup>. Ўз навбатида, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг мазкур боби Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бандига ўхшашлигини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси мол-мулкни хатлаш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг моҳияти ва мазмунини очиб берувчи жуда кам моддаларни ўз ичига олади, бу эса уни амалда қўллашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида мол-мулкни олиб қўйиш институтининг батафсилроқ тақдим этилиши ушбу процессуал ҳаракатни қўллашда терговчи фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Бироқ, Республикамиз Жиноят-процессуал кодексида акс эттирилган бу процессуал ҳаракатни Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексидаги мол-мулкни хатлаш процессуал мажбурлов чорасида сифатида қўлланилиши оммавий-ҳуқуқий мақсадларда мулкни олиб қўйилишини таъминлаш, жиноий жазо чораси сифатида процессуал харажатлар ёки жарима, шунингдек жиноят иши бўйича ашёвий далиллар билан боғлиқ мол-мулкни сақлаш ва жиноят қурбонларининг субъектив фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам қўлланилишида катта аҳамият касб этади.

Бироқ, мазкур мавзу доирасида тадқиқот олиб борган процессуалист олимлар мулкни хатлашни тергов ҳаракатлари билан боғлашмаган. С.А. Шейфернинг сўзларига кўра мол-мулкни хатлаш, ўз моҳияти ва мақсадига кўра, мулкни бегоналаштирмасликни таъминлаш учун амалга ошириладиган ташкилий ва маъмурий ҳаракатни англатади<sup>8</sup>. Ўз навбатида, Б.Т. Безлепкининг таъкидлашича, мол-мулкни хатлаш процессуал мажбурлов чораларига тааллуққидир ва фақатгина дастлабки тергов босқичида эмас, балки жиноят процессининг турли босқичларида қўлланилади. Шундан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу институт жиноят процессининг муайян босқичларига нисбатан «киришувчан» кўринади.

Юқорида қайд этилганлар ҳуқуқий матбуот саҳифаларида жиноят-процессуал ҳуқуқи тизимида мулкни хатлашнинг ўрнини белгиловчи, уларни тергов ҳаракатларига ҳам, процессуал мажбурлов чораларига ҳам ҳавола қилувчи фикрлар кенг тарқалганлигини айтишга имкон беради<sup>9</sup>. Бироқ, кўпчилик муаллифлар ҳали ҳам 1960 йилдаги Жиноят-процессуал кодексининг қоидаларига асосланиб, мулкни хатлашни тергов ҳаракатлари билан тенглаштирадilar<sup>10</sup>.

<sup>7</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия: науч.-практ. комментарий и перевод текста закона / под ред. П. Головненкова, Н. Спица, У. Хелльмана. 2-е изд. - М., 2012. - С. 181-193.

<sup>8</sup> Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. - М.: Юрид. лит. 1981. - С. 24.

<sup>9</sup> Бычков В.В. Система следственных действий в российском уголовно-процессуальном законодательстве // Российский следователь. - 2013. - № 10. - С. 13.

<sup>10</sup> Быховский И.Е. Развитие процессуальной регламентации предварительного следствия /

И.Е. Быховский // Сов. гос-во и право. - 1972. - № 4. - С. 107-110; Власенко В.Г. Вопросы теории и практики возмещения материального ущерба при расследовании хищений государственного и общественного имущества / В.Г. Власенко. - Саратов, 1972. - С. 115; Газетдинов Н.И. Деятельность следователя по возмещению материального ущерба / Н.И. Газетдинов. Казань, 1990. - С. 50; Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса / М.С. Строгович. Т. 2. - М., 1970. - С. 117-121 и др.

Ички ишлар органлари тергов фаолиятида мулкни хатлашни тергов ҳаракатларига ёки процессуал мажбурлов чораларига боғлаш муаммосини ўрганаётганда шуни ҳисобга олиш лозимки, 1990 йилда жиноят-процессуал қонунчилигининг назарий модели муаллифлари хатлаш қоидаларини Жиноят-процессуал кодексининг жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашни тартибга солувчи бўлимида жойлаштириш бўйича кўплаб таклифлар берганлар. Ушбу меъёрий тузилмани қўллаб-қувватловчи асосий далил мол-мулкни хатлаш, яъни ҳукмнинг асосий қисмида кўрсатилган мулккий жазоларнинг ижросини таъминлаш мезони бўлди.

Ва аллақачон биринчи ўқиш учун тайёрланган Жиноят-процессуал кодексининг 1997 йилдаги лойиҳасида мулкни хатлашни тартибга солувчи қоидалар «Процессуал мажбурлов чоралари» 4-бўлимига кўчирилди ва «Бошқа процессуал чоралар» га мурожаат қила бошлади, шу билан тергов ҳаракатига бағишланган бўлимдан чиқариб ташланди.

Мулкни хатлашни тергов ҳаракати сифатида таснифлашда шуни инобатга олиш керакки, мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин терговчи келгусида кўрсатилган процессуал мажбурлов чорасини амалга ошириш учун асос бўладиган бир қатор ҳаракатларни амалга оширади. Яъни, тинтув, олиб қўйиш, кўздан кечириш, сўроқ қилиш каби тергов ҳаракатларини амалга ошириш орқали хатланиши лозим бўлган мол-мулкни аниқлаш ва қидириб топиш, шунингдек сўровлар юбориш ва 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-344-сонли “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида назарда тутилган тезкор-қидирув чораларини қўллаш орқали амалга оширилади<sup>11</sup>.

Демак, маълум даражада мулкни хатлаш тергов ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Жиноят-процессуал қонунчилигида мол-мулкни хатлашни бошқа процессуал мажбурлов чораларига боғлаш тўғрисидаги мавжуд илмий позицияларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф хулосани асослайди ва мулкни олиб қўйишни тергов ҳаракати сифатида эмас, балки профессор С.А. Шафер<sup>12</sup> ҳам такидлаган амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига мос келадиган процессуал ҳаракатлар тизими сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқлигини исботлайди.

Шуниси эътиборга лойиқки, мол-мулкни хатлашнинг моҳияти мулк эгасига, шунингдек бошқа шахсларга мулкни тасарруф этишни, зарур ҳолларда ундан фойдаланиш, мол-мулкни хатлаш ва сақлашга бериш, шунингдек, олиб қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш билан боғлиқ чекловларни белгилашни тақиқлашдан иборат.

Шу муносабат билан 3.3. Зинатуллин ушбу процессуал ҳаракатнинг моҳиятини очиб, у кўрсатилган мулкни рўйхатга олиш қилиш ва унинг эгаси бўлган шахс томонидан фойдаланишни тақиқлашдан иборатлигини таъкидлади.

<sup>11</sup> Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида ўрк-344-сонли Қонун. 2012 йил 25 декабрь. <https://lex.uz/docs/2107763>

<sup>12</sup> Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма / Шейфер С.А. - М.: Юрлитинформ, 2001. - С. 127.



Хусусан, мол-мулкни хатлашда барча ҳолларда уни ҳақиқатда олиб қўйиш мумкин эмас. Масалан, банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида омонатларда сақланаётган ёки сақланаётган кўчмас мулк, пул маблағлари ва бошқа бойликлар, шунингдек айрим қимматли қоғозлар олиб қўйилганда уларни амалда олиб қўйиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан, олиб қўйилган мол-мулк хатлаган ёки олиб қўйган шахснинг ихтиёрига кўра, сақлаш учун ушбу мулк эгасига ёки олиб қўйилган мол-мулк бўйича чеклашлар ва унинг сақланиши учун жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилиши лозим.

### References:

1. <http://uzmarkaz.uz/uploads/2020/06/2020202020.pdf>. 135-б.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/24/property-rights/>
3. Республика ИИО Тергов бўлинмалари томонидан 2020-2021 йиллар ва 2022 йил 6 ойида **хатланган** гумон қилинувчи ва айбланувчиларга тегишли мол-мулклар тўғрисида **маълумот**.
4. Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленум қарори. Тошкент ш., 2016 йил 27 декабрь, 26-сон. <https://lex.uz/docs/3115385>
5. *Вдовцев П.В., Каркошко Ю.С.* Наложение ареста на имущество по уголовным делам в свете позиций Конституционного Суда Российской Федерации // Расследование преступлений: проблемы и пути их решения. - 2015. - № 1 (7). - С. 69-70.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики: утв. Законом Азербайджанской Республики 14.07.2000 № 907-1Г. Баку, 2001.
7. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия: науч.-практ. комментарий и перевод текста закона / под ред. П. Головненкова, Н. Спица, У. Хелльмана. 2-е изд. - М., 2012. - С. 181-193.
8. *Шейфер С.А.* Следственные действия. Система и процессуальная форма. - М.: Юрид. лит. 1981. - С. 24.
9. *Бычков В.В.* Система следственных действий в российском уголовно-процессуальном законодательстве // Российский следователь. - 2013. - № 10. - С. 13.
10. *Быховский И.Е.* Развитие процессуальной регламентации предварительного следствия /
11. *И.Е. Быховский* // Сов. гос-во и право. - 1972. - № 4. - С. 107-110; *Власенко В.Г.* Вопросы теории и практики возмещения материального ущерба при расследовании хищений государственного и общественного имущества / В.Г. Власенко. - Саратов, 1972. - С. 115; *Газетдинов Н.И.* Деятельность следователя по возмещению материального ущерба / Н.И. Газетдинов. Казань, 1990. - С. 50; *Строгович М.С.* Курс советского уголовного
12. процесса / М.С. Строгович. Т. 2. - М., 1970. - С. 117-121 и др.
13. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида ўрқ-344-сонли Қонун. 2012 йил 25 декабрь. <https://lex.uz/docs/2107763>
14. *Шейфер С.А.* Следственные действия. Система и процессуальная форма / Шейфер С.А. - М.: Юрлитинформ, 2001. - С. 127